Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÓZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 15 июль, шанба. №85 (21.848.) Сотувда эркин нархда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УМУМИЙ УЙИМИЗ!

Биз — Тожикистон жумҳуриятининг фан ва маданият намоёндалари беғараз дўстларимиз дийдорига ҳамиша ташнамиз. Уларнинг муваффақиятларидан қувонамиз. Минтақадаги давлатлар ўртасида илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидан мамнунмиз. Дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақаси халқлари қадимдан ўзаро маданий ва маърифий алоқада бўлганлар. Ҳатто шўро мустабидлиги даврида ҳам фан ва маданият намоёндалари бир-бирларига интилиб ижод қилдилар, ўзларининг маънавий бойликларини сақлаб қолдилар.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг муваффақиятли ўтганидан бағоят қувондик. Бу тадбир бизнинг дилларимизда дўстлигимизнинг узилган торларини қайтадан мустаҳкам боғлаш умидини уйғотди. Бизнинг халқларимиз учун ўзаро алоқа ва шу йўлдаги анъаналарни тиклаш ниҳоятда зарурдир. Шу сабабли ҳам фан ва маданият аҳли ассоциацияси ёки конгрессини ташкил этиш ғояси қўллаб-қувватлашга арзийди. Бу ассоциация ёки конгресс ҳар бир халқнинг бугунги ва қадимий маданиятини эъзозлаш асосида минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Биз аминмизки, бундан халқларимиз дўстлиги янада равнақ топади. Бу хайрли йўлда Мавлоно Жалолиддин Балхийнинг қуйидаги ҳикматларини унутмаслигимиз даркор:

«Бизлар қалбларни бир-биридан ажратиш учун эмас, балки уларни туташтиришга хизмат қилишимиз керак».

Тожикистон адабиёт, фан ва маданият арбоблари кўпдан буён дўстлар дийдори ва суҳбатларига ташналар. Шу боис, бу таклифни қўллаб-қувватлайдилар.

Асқар ҲАКИМ — Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,

А. САМАДОВ ва А. АБДУМАННОНОВ — Ёзувчилар уюшмаси раисининг муовинлари,

ГУЛНАЗАР — «Адабиёт ва санъат» рўзномасининг бош муҳаррири, Рудакий номидаги Давлат мукофотининг лауреати,

Муҳаммаджон ОСИМИЙ — академик,

Саттор ТУРСУН — «Помир» журналининг бош муҳаррири,

Расул ХОДИЗОДА — филология фанлари доктори,

Холмурод ШАРИПОВ — ёзувчи,

Зайнуддин ЗУЛФИҚОРОВ — бастакор,

Рустам КАРИМОВ — Тожикистон Меъморлар уюшмасининг раиси,

Шоди ҲАНИФ — ёзувчи,

Раҳмат НАЗАРИЙ — шоир,

Кароматулло МИРЗАЕВ — «Адиб» нашриётининг директори, Рудакий номидаги Давлат мукофотининг лауреати,

Дамир ДЎСТМУҲАММЕДОВ — Тожикистон Бастакорлар уюшмасининг раиси,

Муҳаммаджон ШУКУРОВ — академик,

Вафо НАЗАРОВ — Тожикистон бадиий фондининг раиси,

СОРБОН — ёзувчи,

Жўра ҲОШИМИЙ -- шоир,

Равшан ЁРОВ — ёзувчи,

Худойи ШАРИПОВ — филология фанлари доктори.

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ БОШҚАРСА БЎЛАДИМИ?

ПРЕЗИДЕНТ БУ ТАКЛИФГА ҚЎШИЛМАДИ. НЕГА?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг 4 июль куни бўлиб ўтган мажлисида ҳаммамизни тўлқинлантираётган масалалар ҳақида сўз юритилди. Кенгаш мажлиси ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг бир неча сонларида босилди, Ўзбекистон телевидениеси орқали кенг намойиш этилди.

Шу муносабат билан таҳририят мажлисда тилга олинган масалалар ҳақида фикр билдиришни сўраб муштарийларга мурожаат қилди.

СИЁСАТ МОҲИЯТИ

Анвар ТОЖИЕВ: «Бизнесфонд»нинг Мирзо Улуғбек туман бўлими директори: Ҳар қандай одам тадбиркор бўлавермас экан. Баъзилар тадбиркор фақат фойда кўриш ҳақида ўйлаши керак, деб ҳисоблашади. Тўғри, фойда ҳам керак. Лекин тадбиркор, кенг миқёсда фикрлайдиган одам бўлиши зарур. Маҳсулотни қандай кўпайтириш, бу ишга ходимларни сафарбар этиш, пировардида эл-юртга ҳам наф келтириш унинг хаёлида турсин.

Президентимиз тадбиркорлик «вируси»ни юқтирайлик, деганларида мен шуларни ўйладим. Бизга давлат фондига кўз тикадиган тадбиркор эмас, аксинча ўз ишбилармонлиги билан халққа, давлатга мадад бўладиган тадбиркорлар керак. Шунинг учун ҳам идоралараро кенгашда баъзилар давлатнинг фаол аралашуви ҳақида фикр билдиришганида Президентимиз аниқ қилиб «Йўқ!» дедилар. Чунки амалга оширилаётган ислоҳотнинг асосий моҳияти мулкни давлат тасарруфидан чиқариш. Бу йўлдан қайтиб бўлмайди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ТАЖРИБА

Аҳмад ҚАҲҲОРОВ, Ургут туманидаги «Яшин» фирмаси директори: Бир вақтлар пилла қуртини катта комплексларда боқиш ташаббуси билан чиқишди. Улкан бинолардаги қуртларга барг етказиш билан юзлаб одамлар шуғулланишди. Агар жониворлар касалланиб қолса, ҳақиқий вабонинг ўзи деяверинг. Ҳолбуки, бу ишни ортиқча шов-шувларсиз ҳар рўзғор ўзи уддаласа бўларкан.

Жуда катта маблағ эвазига улкан саноат корхоналари қурилаётганини кўрсам (айниқса, қишлоқ жойларда) ўша муваффақият келтирмаган тажриба ёдимга тушади. Ахир шундай катта ишхонани ишловчи билан таъминлашнинг ўзи бўладими? Бунинг устига қалаштириб ташланган «ўтмас матоҳ» кимга керак? Тошкент универмагига киринг, шунақа кўйлаклардан қанчаси ётибди. Йигирма миллион долларлик қўшма корхона қургандан йигирма жойда ҳар бири бир миллион долларлик ихчам корхона қурган яхшимасми? Идоралараро кенгашда айтилган бу фикр ҳашаматли бинолар билан мақтаниб юрган раҳбарларни ўйлантириши керак.

ҲОСИЛДОРЛИК БИЛАН МАҚТАНМАНГ

Борий РАҲИМОВ, Тошкент Аграр университети кафедра мудири: Идоралараро кенгаш, мана икки йилдирки, энг муҳим масалаларни муҳокама қилиб, халқимизнинг дилидаги гапларни айтмоқда. Бир мажлисда шунчалик муҳим ва серқирра фикрлар айтилдики, уларни чуқур мулоҳаза этиш, хулосалар чиқариш учун ҳамма жон куйдириши керак.

Бир мисол. Ҳосилдорликни ошириш деган иборага ҳаммамиз ўрганиб кетганмиз. Хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари ва бошқа мутахассислар «Биз ўтган йили ҳосилдорликни фалон центнерга етказдик» деб керилиб қўядилар. Президентимиз ҳар қандай ҳосилдорликни ошириш замирида харажатларни кўпайтириш ётади, деб янги фикрни айтдилар. Эндиликда биз мақтанган раҳбарлардан: «Барака топгур, маҳсулот таннархи қанчадан тушди?» деб сўрашимиз керак. Агар сиз харажатларни камайтириш эвазига таннархни арзонлаштирган бўлсангиз, мақтансангиз ярашади.

«ОРТИҚЧА» КУЧ КИМГА КЕРАК?

Абдубанно ХОЛМОНОВ, ЎзХДП Уйчи туман кенгаши иккинчи котиби: Ўртача майдони 50-60 гектар бўлган бригада даласида 100-110 нафар кишининг ишлаши, айниқса, Фарғона водийси хўжаликлари учун хос ҳолат. Ваҳоланки, шунча майдондаги ғўзани ўстириш, ҳосилни йиғиштириш, техника шай бўлса, 10-12 кишининг қўлидан келади. Демак, қарийб 90 фоиз ишчи кучи ортиқча экан-да?! Афсуски, бу аччиқ ҳақиқат!

Шўролар давридан қолган бир латифа бор. Эмишки, хориждан келган мутахассис ишлаб чиқариш билан танишиб чиққач шундай дебди: «Ҳаммаси яхшию лекин ишламасдан маош олувчилар нечун?» Биз собиқ Иттифоқдан қолган бу иллатни йўқотишимиз керак. Ватанимиз қудратини оширамиз десак, жойларда «ортиқча» ишчи кучи бўлмасин. Ахир, ота-боболаримиз азалдан ҳунарманд, тадбиркор бўлишганку?! Далада етиштирилаётган маҳсулотни қайта ишловчи, аҳолига хизмат кўрсатувчи нуқталарни кўпайтириш юқоридаги муаммони ҳал этади.

МУЛККА ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ

Жўра ЮСУПОВ, Касби туман «Садоқат» газетаси бош муҳаррири: Октябрь тўнтаришидан кейин хусусий мулкни давлат ёки жамоа мулкига айлантириш нисбатан қисқа муддатларда амалга оширилганди. Энди эса мулкни ҳақиқий эгаларига қайтариб бериш осон кўчмаяпти. Чунки етмиш йил мобайнида одамларимиз мулкдорлик туйғусидан ажраб қолишган экан.

«Агар мен шу мулкка эга бўлсам, ундан вақт ўтган сайин кўпроқ самара олишим мумкин», деган кайфиятни сингдиришимиз керак. Ҳолбуки, «ким ошди» савдоларида кўчмас мулкни сотиб олган айрим кишилар ўша мулкни «қотириб» қўйишяпти. Мамлакатга эгалик туйғуси, мустақил Ватандан фахрланиш ҳисси, аввало мулкка эгалик қилишда намоён бўлмоғи керак.

Идоралараро кенгаш мажлиси кўриб чиққан масалаларни ҳал этиш борасида фаол ҳаракат кетмоқда. Айни пайтда ушбу нуфузли анжуман самараси юқори бўлиши учун фақат айрим мутасаддилар эмас, балки ўзини мустақил юрт фарзанди санаган ҳар бир фуқаро бирдай курашиши керак.

Минг шукрки, бу саъй-ҳаракатлар истиқлолнинг тўрт йиллиги арафасида мева бераётир. Нефть ва ғалла мустақиллигига эришувимиз ҳар бир ўзбекистонликнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиши керак. Иншоолло, ислоҳотни жорий этишда навбатдаги вазифалар ҳам уддаланиши шубҳасиз.

Муштарийлар фикр-мулоҳазаларини Шуҳрат ЖАББОРОВ умумлаштирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 13 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 15,74 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 14 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.

Марказий банк 1995 йил 14 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,40 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,40 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ БЕКОР ЁТМАСИН

14 июль куни «Ўзбекметкомбинат» Ўзбекистон акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида металл парчалари ҳамда қора ва рангли металл чиқитларини тўплаш ва қайта ишлашга топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг, республикадаги бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Шу йилнинг биринчи ярмида металл парчаларини тўплаш ва топшириш юзасидан белгиланган топшириқнинг қандай бажарилгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимият органларининг, кўп вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли режалаштирилганидан кўпроқ миқдорда қимматли иккиламчи хом ашё тайёрланган. Бу — кейинги ярим йил давомида «Ўзметкомбинат»нинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Айни пайтда режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлай олмаган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди. Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин иштирок этди.

(ЎзА).

Ғалла мустақиллиги йўлида

ОМАД ОМИЛКОРГА КЕЛАДИ

(Суратли лавҳа)

Сиз кўриб турган ушбу сурат бир неча кун бурун Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмасида ғалла ўрим-йиғими қизғин кунларда олинган. Ҳозирги пайтда бирлашмада ғалла топшириш режаси ошиғи билан бажарилиб, ғаллазорлар ўрнида такрорий экинлар экиш ниҳоясига етказилмоқда.

Бирлашма Жиззах вилоятидаги йирик пахтачилик ва ғаллачилик хўжаликларидан бири. Хўжалик аҳли ҳар йили белгиланган режани ошиғи билан уддалаб келади. Жумладан, бу йил ҳам хирмонлар сарбаланд, қутли-баракали бўлди. Белгиланган 4,5 тонна ўрнига 5,5 тонна пилла, 3 минг тонна ўрнига 4 минг тонна уруғлик ғалла етказиб берилди. Хўжалик омборхонасида яна 1,5 минг тонна сара дон қолди.

Ғалла ўрим-йиғими ҳар йилгидан анча қийин бўлди. Сабаби пишиқчилик арафасида 500 гектарга яқин майдоннинг ғалласи дўл ва жала туфайли ётиб қолганди, ана шу майдонни табақалаб ўришга тўғри келди. Бунинг учун комбайнлар бир томонлама юритилибгина қолмай, пахтазор ва боғларда ишлаётган кишилардан ҳам 200 нафари ўроққа жалб этилди. Тўғри, ўрим-йиғим тақдирини ўроқчилар ҳал этишгани йўқ. Лекин арғамчига қил қувват дегандай, ғалла нобудгарчилигига йўл қўйилмади.

Аввало шуни айтиш керакки, бирлашма пахтакорлари бултур ва бурноғи йили пахта тайёрлаш режасини ошириб бажаришиб, 1,5 минг тоннадан зиёд толали бўлдилар. Ана шу тола пули уларнинг кўп мушкулини осон қилди. Жумладан, 10 та янги комбайн ва кўплаб эҳтиёт қисмлар сотиб олишди. Бирлашмага қўшни вилоятдан 20 та ҳашарчи комбайн келди. Хўжалик техника саройидаги 4 та комбайн билан 34 та бўлди. Уларни ишга тушириш пайтида бирлашма маъмурияти ўрим-йиғим мусобақаси шартларини эълон қилди. Ўрим сифатига қараб гектарига 25 сўмдан 30 сўмгача пул ва 100 килодан ғалла бериладиган бўлди. Бундан ташқари ҳар бир комбайнчи, ташувчи ва ёрдамчи техник хизматчилар оиласига бир қопдан ун, 50 килодан ўсимлик ёғи тарқатилди. Шу боис ҳам мавсум 12 иш кунида тугади. 1400 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 38,4 центнердан уруғлик дон йиғиб олинди.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизғин. Тадбиркор ва омилкорлар эса ўзларини кўрсатиб, эл олқишини олмоқдалар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: бирлашма директори Худойқул Холбеков илғор комбайнчи Ҳаким Тўйназаров билан суҳбатлашяпти.

Муаллиф олган сурат.

Хабарингиз борми?

ХОНАДОНДА ЧОЙ ЕТИШТИРИЛДИ

Бозор иқтисодиёти шароити барчани ишлашга, изланишга ўргатяпти. Марҳамат туманидаги «Истиқлол» ширкатлар уюшмасининг Хўжаариқ қишлоғида истиқомат қилувчи Умарбува Жаҳонов хонадонида чой ўстирди.

Ширкатлар уюшмаси раиси ўринбосари, ХДП бошланғич ташкилоти котиби М. Ботиров билан Умарбуванинг чой етиштириш бўйича тажрибаларини ўргандик. Отахоннинг ўғли Абдупаттоҳ чой уруғини бир танишидан келтириб берган экан. Умарбува апрель ойининг бошларида 63 дона, ҳар бири мошдек келадиган уруғларни ерга қадади. Уруғлар ғўза сингари униб-ўсиб, гуллади. Гулдан сўнг кўсак сингари мева тугди. Кун ўтган сари кўсаклар катталашиб, кубиксимон шаклига келди.

Бир ойдан бери ўсимликнинг тўлишган барглари терилиб, тамаки барглари мисол ипга тизилиб, чой ўрнига фойдаланиляпти. Хонадон шароитида етиштирилган бу чойни татиб кўрган қишлоқдошлар одатдаги чойдек хуштаъм деган хулосага келдилар. Чойга ихлоси баланд халқимиз учун Умарбуванинг чой етиштириш тажрибаси асқотса ажабмас.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• *Ишлаб чиқариш*

ЧИРОҚЧИ ГУГУРТЛАРИ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Чироқчининг «Чиял» жамоа-ширкат хўжалиги «Маданият» қишлоғида гугурт қадоқлаш йўлга қўйилган.

Тошкентдаги Сирғали гугурт тайёрлаш фабрикасининг цехи тарзида иш бошлаган бу масканда сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Цех Охунбобоев номли савдо уюшмаси ҳисобида бўлиб, етти ишчи меҳнат қилмоқда. Эшқизил Диёров бошчилик қилаётган хўжаликдан цех учун алоҳида бино ижарага ажратилиб берилди. Дастлабки 120 минг қути гугурт сотувга чиқарилди.

Ғози РАҲМОН.

• *Санаотлашган қишлоқлар*

ҚОРАКЎЛГА ИШЛОВ БЕРИБ

• НУКУС (мухбиримиздан). Тахтакўпир туманидаги овул ва жамоа хўжаликларида қишлоқларни саноатлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ерда қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мослаштирилган кичик корхоналар ташкил этилмоқда. Бундан деҳқонлар манфаатдор бўлиб, ишсизликка барҳам берилмоқда. Хусусан, шоличилик, чорвачилик жамоа хўжаликларида гилам тўқиш, шоли оқлаш, ун тайёрлаш, енгил машиналар таъмирлаш каби юмушларни бажарадиган цехлар ҳамда кичик корхоналар ишлаб турибди.

«Мулк» жамоа хўжалигида қоракул териларига қайта ишлов берилмоқда. Кичик корхонанинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин самараси чакки эмас. Қоракўл теридан тикилаётган пўстин, камзул, телпак, қўлқоп, маҳси, этик, сумка, ковуш каби маҳсулотлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

— Корхонада ўн киши ишлайди, — дейди жамоа хўжалиги раиси А. Раимберганов.— Ҳозирча битта тикув машинасига эгамиз. Уни кўпайтириб 12-15 тага етказмоқчимиз. Мақсад овулларда ҳам кичик корхоналарни вужудга келтириш.

Реимбой ЕШИМБЕТОВ.

• *Кичик корхоналар*

«ОЛТИН БОШОҚ» НОНЛАРИ

• БУХОРО (мухбиримиздан). «Вилоятдонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти Германиянинг «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликда «Олтин бошоқ» кичик нон заводини фойдаланишга топширди.

Энди Пабло Неруда кўчасида яшовчилар бўрсилдоқ нон излаб юрмайдиган бўлишди. «Олтин бошоқ»да бир кеча-кундузда 2,5 тонна ширин кулча, 5 тонна кулча нон тайёрланмоқда. «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликни давом эттирамиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Ўктам Аҳмедов. — Қоровулбозор шаҳрида ҳам шунга ўхшаш нон завод қурилади. Мустақиллик байрами кунларида қоровулбозорликлар ҳам бундай қулайликдан баҳраманд бўлишади.

Даврон БАҲРОНОВ.

• *Қулайлик*

МАҲАЛЛА ГУЗАРЛАРИ

• ТОШКЕНТ (жамоатчи мухбиримиздан). Мирзо Улуғбек туманидаги Мўминов кўчасида маҳалла гузари барпо қилинмоқда.

Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғига туташ маҳалла марказида туман аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган масканлар, хусусан турли йиғин ва анжуманларга мўлжалланган катта залли бино барпо этилган. Унинг ёнида эса озиқ-овқат, саноат моллари ва бошқа дўконлар қурилади.

Фавворалар маҳалла гузарига файз киритади. Гузарни барпо этаётган 4-қурилиш трестига қарашли 19-бошқарма мажмуи бригадаси бунёдкорлари узига хос аҳиллик қурғонини мустақиллик байрамигача битказишмоқчи. Шунингдек, Ҳамза туманидаги «Мирзо Иброҳим» маҳалла гузарида ҳам қурилиш ишлари авжида. Туман ҳокимлиги қурилишни жадаллаштириш мақсадида бир миллион икки юз минг сўм ажратган.

Надежда ЖУРАВЛЁВА.

Партия ва ҳаёт

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН КЕНГАШИБ

ҲДП Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Мулоқот» сиёсий мунозара клубининг кенгаши бу сафар ўз машғулотини Боёвут туманидаги «Тараққиёт» жамоа хўжалигида ўтказилди. Мунозара кун тартибига қўйилган масала ҳам айни долзарб, яъни вилоят партия ташкилотларининг тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа тараққиётига партиявий таъсирни кучайтириш, барча муҳим соҳаларда улар билан ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланди. Унда шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари, вилоятнинг деярли барча етакчи тадбиркорлари ва ишбилармонлари, вилоят хусусийлаштириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, «Тадбиркор» банки, вилоят адлия бошқармаси ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, Боёвут туманидаги қатор йирик хўжаликлар бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, бошқа жамоа ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мунозара иштирокчилари дастлаб хўжаликнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, қишлоққа саноат ишлаб чиқаришини олиб кириш йўлидаги ишлари билан яқиндан танишдилар. Сўнгра эса мунозара клуби ўз ишини бошлади. Биз қуйида мазкур йиғилиш иштирокчиларининг мунозара жараёнида билдиришган айрим фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Ботирали УМАРАЛИЕВ, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини: — Вилоятимизда хусусийлаштириш ишларини бундан уч йил олдин бошлаган эдик. Шу давр мобайнида анча ишлар қилинди. Ҳозир 1100 дан ортиқ хусусий мулк жамоалари мавжуд.

Лекин эндиликда сон эмас, сифат ва самара кетидан қувишимиз керак. Бунинг учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқ билишимиз ва уларни ҳал этишнинг осон ва самарали йўлларини топа билишимиз лозим.

Бозор муносабатларини аввало ўзимиз чуқур ўрганиб боришимиз ва кенг оммани ҳам ўргатишимиз керак. Токи, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топсин. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин ўша маҳсулотни оладиган эгасини топайлик. Ҳар бир кичик корхона ўз маркетингига эга бўлсин, брокер хизматини яратсин. Бунинг учун бизларнинг вилоятимиз, деярли барча туманларимизга ана шу соҳа мутахассислари зарур. Биз партия ташкилотлари билан бу бораларда кенг ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

— **Акциялар чиқариш ва уларни сотиш вилоятимизда қандай аҳволда?** —дея савол беришди мулоқот иштирокчиларидан бири нотиққа.

— Вилоятимизда 250 та ҳиссадорлик жамиятлари бор, — жавоб берди у,-шулардан 25 таси акциялар чиқариш ва сотиш бўйича рўйхатдан ўтиб, ўз қимматбаҳо қоғозларини сотмоқда. Ҳозир ана шу жамиятларнинг акцияларини истаган кишилар бемалол сотиб олишлари мумкин. Бу борадаги ишларни жонлантириш ва кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Нуриддин ХОТАМОВ, «Тараққиёт» жамоа хўжалиги раиси: — Биз ҲДП вилоят кенгаши қошидаги «Мулоқот» сиёсий мунозара клуби иштирокчиларини ўз хўжалигимизда қабул қилаётганимиздан хурсандмиз. Партия аъзолари хўжалигимизнинг иқтисодий ва маданий ривожланишида доимо етакчи ролни ўйнаб келганлар. Ҳозир ташкилотимизда 62 нафар аъзо бор. Улар бизларнинг деярли барча соҳалардаги таянчларимиздир.

Тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни, қисман бўлса-да, жойларга бориб кўрганингиздан хурсандмиз. Хўжалигимиз 1948 йили ташкил топган. Ҳозир жами 1100 гектар экин майдонимиз бор. Ўтган йили салкам 7 миллион сўм даромад қилдик. Ана шу даромадларнинг асосий қисмини жамоамиз аъзоларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, янги уй-жой ва бошқа қурилишлар ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга сарфлаётирмиз.

Хўжалигимизда тикиш, гилам тўқиш цехлари ишлаб турибди ва улар ўз маҳсулотлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Тикув цехида 18 нафар қиз-жувонлар ишламоқда. Бу цех учун жамоа хўжалигимизнинг эски клубини бўшатиб, мослаштириб бердик. Ҳозир бу ерда 15 хилдаги маҳсулот чиқарилмоқда.

Юлдузхон КАРИМОВА, Оқолтин туманидаги Чинобод хўжалигига қарашли «Феруз» хусусий тикув ва таъмирлаш корхонаси раҳбари: — Биз хўжалигимиз хотин-қизларини иш билан таъминлаш ва халқимизга, хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб олганмиз. Ишни дастлаб пахтакорлар учун этак, механизаторларимиз учун эса коржомалар тикишдан бошладик. Бу бизга яхши даромад берди. Кейин қизлар ва аёллар кўйлаклари, халатлар, кичкинтойларга арзон ва қулай кийим-кечак тикишга ўтдик. Шундай қилиб корхонамизнинг номи ҳам тилга тушди, моддий томони ҳам яхшиланди. Ҳозир тикувчиларимизнинг ойлик маошлари ҳам яхши, буюртмаларимиз ҳам кўп. Бир қанча опа-сингилларимиз ўз уйларида ўтириб бизнинг буюртмаларимизни бажаришмоқда, яъни бизлар билан бирга ишлашмоқда. ҲДП туман кенгаши, хўжалик партия ташкилотлари билан алоқаларимиз яхши. Биз албатта ўз ишларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Партия ташкилотлари эса бизларга яна кўпроқ эътибор берадилар, деган умиддамиз.

Малик ОРЗИҚУЛОВ, Ш. Рашидов туманидаги «Пахтаобод» ширкатлар уюшмасига қарашли А. Қодирий номли деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари: — Чўлда 25 йил бригадир бўлиб ишладим. Кўп иссиқ-совуқни бошдан ўтказдик. Ниҳоят ўтган йили 400 гектар ер олиб, мустақил хўжалик юрита бошладик. Натижалар ёмон бўлмади. Ҳосилимизнинг бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай йиғиштириб олдик. Давлат буюртмасини ошириб бажарганимиз туфайли, ҳозир ўзимизнинг 90 тонна толамиз бор, унинг 85 тоннаси биринчи навлидир.

Ғофуржон ОЛИМЖОНОВ, Боёвут туманидаги Т. Латипов номли жамоа хўжалиги гилам тўқиш цехи бошлиғи: — Сезишимча, бу даврага асосан омади юришаётган тадбиркорлар таклиф этилганга ўхшайди. Албатта ҳозирги пайтларда бундай ишбилармонларнинг тажрибалари бизлар учун зарур. Лекин иши юришмаётган, ҳали бошламасданоқ ўз корхона ёки хўжаликларини ёпиб қўйишга мажбур бўлаётганларнинг дардларини кимлар эшитади? Қилинган яхши ишлар билан мақтаниш осон. Бизнинг ҳам ишларимиз ёмон эмас, цехимизда 80 кишини иш билан таъминлаганмиз, тўқиётган гиламларимиз ҳам чакки эмас. Лекин биз энди мақтаниш давридан ўтиб, янги, самарали йўлларни излашимиз, тадбиркорларнинг сафларини кенгайтириш, иш юритишда катта тўсиқлар ва қийинчиликларга дучор бўлаётганларга кўмаклашиш чораларини кўришимиз керак. Шу мақсадларда ёпилаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг сабаб ва муаммоларини ўрганиш уюшмасини ташкил этишни таклиф этаман. Бу хайрли ишни ҲДП ташкилотлари тегишли маҳкама ва идоралар билан ҳамкорликда ўз зиммаларига олганларида яхщи бўлар эди.

Аҳад ПИРИМҚУЛОВ, Боёвут тумани ҳокими: — Туманимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик ва хусусий мулкчиликка иложи борича кенг йўл очишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буни қисман ўзларингиз ҳам кўриб турибсизлар. 1200 гектар экин майдонига эга бўлган 230 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, 100 дан ортиқ турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган 70 дан зиёд хусусий корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга уринаётирмиз. Яқинда ташкил этилган Навоий номли жамоа хўжалигидаги ип йигирув фабрикасида хозирнинг ўзидаёқ ишчи ўринлари сони 120 га етди. «Боёвут» ширкатлар уюшмасида эа 2 минг киши ишлайдиган йирик корхона қурилиши йўлида ҳаракатлар бормоқда. У. Юсупов номли ширкатлар уюшмасида қурилаётган корхона эса бугун-эрта ишга туширилади ва бу ерда кунига нон маҳсулотлари ва колбаса ишлаб чиқарилади. Бу сингари мисоллар оз эмас.

Биз ҳар ишда партия ташкилотлари билан ҳамфикр, маслакдошмиз. Улардан кўмак ва мадад оламиз. Туман партия ташкилотларининг айниқса хайрия ишларини ташкил этиш, одамларга ғамхўрлик туйғуларини рағбатлантириш ҳамда бошқа соҳаларидаги фаолиятларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Тадбиркорлик борасидаги ишлари ва ташаббускорликларини янада авж олдирсалар, бу ҳам айни муддао бўлар эди.

* * *

«Мулоқот» клубида, шунингдек, вилоят «Тадбиркор» банки бошлиғи Маҳмуджон Ҳудоёров, Боёвут туманидаги «Нур» ҳиссадорлик жамияти раиси Абдужалил Шойимқулов ва бошқалар ҳам сўз олиб, кўтарилаётган мавзу юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини баён этдилар. Мунозара клуби ишига ҲДП Сирдарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Тоштемир Исмоилов якун ясади. Партия ташкилотлари вилоят, шаҳар, туман ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ташаббуслар ва янгиликларни тез оммалаштириб бориш ҳамда шу сингари ишларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Азми шижоатинг мен ахир кўрдим,
Кўрдим кўзларингда чарчоқ бир кулгу.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Эсингиздами?

НАЗОРАТ–КАССА АППАРАТИ ЙЎҚ ДЎКОН ЁПИЛАДИ!

Маълумки, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган пул операцияларида тартиб ўрнатиш, турли суиистеъмоллик ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилнинг 16 декабрида ўзининг 621-сонли қарорини қабул қилган эди. Аҳоли билан пул ҳисоб-китобини амалга оширишда савдо корхоналарининг назорат-касса аппаратларидан мажбурий тарзда фойдаланилишини таъминлаш тўғрисидаги ушбу қарорга кўра, 1995 йил 1 июлдан назорат-касса аппаратлари бўлмаган ёки ҳали солиқ инспекцияларида рўйхатдан ўтказилмаган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти тўхтатилди.

Бироқ, ўтган муддат мобайнида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари эгалари, савдо соҳаси мутасаддилари, қарор ижросига масъул қилинган ҳокимлик ва бошқа идоралар бу қарорнинг тўлиқ ижросини таъминламадилар. Вилоятларда савдо корхоналарини назорат касса аппаратлари билан таъминлаш ва ўрнатиш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмади. Бугунги кунда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса аппаратларига эҳтиёж 84775 дона бўлгани ҳолда 50 фоизи таъминланмаган. Борлари ҳам солиқ идораларида рўйхатдан ўтказилмаган.

Мана июль ҳам ўтиб боряпти. Касса аппарати йўқ ёки рўйхатдан ўтказилмаган савдо ва хизмат кўрсатиш корохоналари фаолиятини ёпишга тўғри келади. Бу нарса, аҳоли ўртасида анча-мунча муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: катта қишлоқ ёки маҳаллангиздаги минг, икки минг аҳолига хизмат қилувчи ягона ёки асосий дўкон ёпиб қўйилса нима бўлади?! Ахир ҳукуматнинг қарори кеча эмас ўтган йилнинг декабрида чиққан. Демакки савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари, мутасадди идоралар назорат-касса аппаратларини шошилинч тарзда топиш ва ўрнатиш чораларини кўришлари лозим бўлади.

Чунки, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида назорат-касса аппаратларининг бўлмаслиги юқоридаги қарорда белгиланган муддатдан бошлаб **савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши,** деб ҳисобланади. Шунга тегишли равишда солиқ хизмати ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари амалдаги қонунчилигимиз талабига риоя этган ҳолда айбдорларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўзда тутилган жазо чораларини қўлланишга мажбур бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 164-моддасига кўра бу қоидабузарлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Мабодо, кимдир ушбу маъмурий жазо чораси олгач, қоидани яна бузса, у ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддасига кўра, маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин қайта шу қилмишни содир этган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жаримага тортилиши ёки беш йилгача ушбу соҳада ишлаш — муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиши ёки бўлмаса мол-мулки мусодара этилиб ёки мусодара этилмай икки йилгача бўлган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин.

Назорат-касса аппаратларининг барча савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида бўлиши эса давр талаби, барча ривожланган мамлакатларда тажриба ҳамда синовдан ўтган тартиб. У савдо соҳаси ходимларига ишлашда қулайлик яратади, турли тартибсизликларга чек қўяди, меҳнат қилиб топган пулингизнинг баъзи нопок сотувчи ёки сартарошнинг чўнтагига эмас давлат бюджетига тушиб нафақа, маош ва бошқа қулайликларга айланиб хонадонингизга қайтишига ҳамкорлик кўрсатади. Демак, шу тартиб бизда ҳам бўлади. Шу боис, барчамиз унга тушунган ҳолда ёндошишимиз лозим.

Ибодулла ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Майли, ором олгин, эй бобо юртим,
Саратон жунбушга келган пайт-ку бу.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

МУЗОКАРАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг бирлашган делегацияси билан Хитой делегацияси ўртасидаги чегара ҳудудларида қурол-яроғларни қисқартириш бўйича музокараларнинг 16-босқичи ниҳоясига етди. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, музокаралар муваффақиятли ўтган.

МАЪРУЗА ТИНГЛАНДИ

АЛМАТИ. Президент қошидаги маслаҳат-кенгашув органи ҳисобланган Қозоғистон халқлари ассамблеяси мамлакат янги конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Ассамблеянинг 300 аъзоси ва хорижий мамлакатларнинг меҳмон сифатида анжуманга таклиф қилинган дипломатлари ассамблея раиси, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг «Босиб ўтилган йўлни англаш ва жамиятни демократик ислоҳ қилишни давом эттириш» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

ҚИЗАМИҚҚА ҚАРШИ ЭМЛАШ ОҚИБАТИ

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аъзолари қизамиққа қарши эмлаш натижасида тўсатдан вафот этган уч боланинг ўлими сабабларини аниқлаш учун Қозоғистонда тузилган давлат комиссияси таркибига қўшилди. Маълумки, бу вакцина ЮНИСЕФ ташкилоти кўмагида келтирилган эди. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи А.Заиканинг фикрича, бу вакцина бутун дунёда ишлатилади ва шу пайтгача ҳеч қачон салбий оқибатларга олиб келмаган. Мутахассислар текширув натижасида эмловчи врачларнинг эмлаш қоидаларига тўла риоя қилганлигини аниқлашди. Бу вакцина вафот этган болалар организмига қандайдир бошқача таъсир этган бўлиши эҳтимол. Қўлланилган вакцина намунаси текшириш учун Женевага жўнатилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ФАРҒОНАЛИК КОМБАЙНЧИЛАР МАДАДИ

Фарғона вилояти деҳқонлари бу йил мўл ғалла ҳосили етиштирдилар. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 35,1 центнерданни ташкил этди.

Бу ўтган йилги ўртача кўрсаткичдан қарийб 10 центнердан кўп демакдир. Қува, Бағдод, Бувайда, Олтиариқ ва бошқа бир қатор туманларда ҳосилдорлик 40-46 центнердан ҳам ошиб кетди. Ғалла ўрими деярли якунланиш арафасида.

Эндиликда ўримни муваффақиятли туғаллаган ғаллакорлар мамлакатимизнинг жанубий вилоятларига жўнаб кетдилар. Улар Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги ғаллакорларга кўмакка боришди. Ҳозирги пайтда Қашқадарё далаларида 60 та, Самарқанд ғаллазорларида 50 та, Жиззах буғдойзорларида эса 43 та янги, техник жиҳатдан соз комбайнларни фарғоналик дарғалар бошқармоқдалар. Фарғоналик механизаторлар республикамизнинг жанубий вилоятларида етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қўнғироқ

ҚУШ ҲАМ НАФСИДАН ИЛИНАР

Очиғини айтсак, ғалла ўрим-йиғим авж олган бир пайтда шахсий манфаатини кўзлаётганлар ҳам йўқ эмас. Пастдарғом туманидаги «Самарқанд» ширкатлар уюшмасига қарашли «Лазизбек» хўжалиги раиси Абдужалил Тўраев 2700 килограмм сара буғдойни ўз ҳовлисига элтиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-модда 2-қисми билан унинг устидан жиноий иш қўзғатилди ва судга оширилди. Шу уюшмадан «Сайрам» деҳқон хўжалиги раиси Файзулла Қораев ҳам 3050 килограмм буғдойни ўғирламоқчи бўлган.

Жомбой дон маҳсулотлари комбинатидан Қосим Маманазаров 270 килограмм донни ноқонуний олиб чиққани учун иши терговга оширилди. Булунғурдаги «Булунғур» жамоа хўжалигида яшовчи Шуҳрат Норматов, шу хўжалик ижарачиси Абдуқосим Норматов ўз бошқарувидаги комбайндан 2100 килограмм ғаллани ҳужжатсиз бошқа ерга олиб бораётганда қўлга тушди.

Умуман, мавсум давомида талон-торож ва ўғирлик ҳолатлари юзасидан 12 та жиноий иш қўзғатилди. 16 тонна дон шахслардан олиниб, омборларга қайтариб қўйилди. Майда ўғирлик содир этган 47 та ҳолат бўйича айбдорларга жарималар солинди. Қуш ҳам нафсидан илинар, дейди доно халқимиз. Шундай бўлгач, умумхалқ бойлиги, ризқ-рўзимиз ҳисобланган, мустақиллик пойдевори бўлган ғалла ҳосилига кўз олайтириш асло мумкин эмас. Буни ҳар бир фуқаро чуқур тушуниши лозим.

Муҳиддин БАҲРИДДИНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими мудири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СИНОВ МАЙДОНИ ТЎСИҚЛАР БИЛАН ЎРАЛДИ

Франциянинг Тинч океанидаги Атолле Муруроа ядровий синовлар майдони маъмурияти ушбу ҳудуд атрофини сим тўсиқлар билан ўрашга қарор қилди. Бу тадбир Франциянинг ядровий синовларини қайтадан бошлаш ҳақидаги қарорига норозилик билдираётган «Гринпис» халқаро экология ташкилоти фаолларининг синов майдонига киришига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилмоқда.

УНИВЕРМАГДА ПОРТЛАШ

29 июнда Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳридаги «Сампун» универмагида кучли портлаш юз берган эди. Ушбу фалокат юзлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди. Яқинда қутқарувчилар бино вайронаси ичидан яна тўрт нафар кишини қутқариб олдилар. Уларнинг орасида бир аёл сотувчи ҳам бор эди.

ТУТҚУНЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

Кашмир сепаратчилари ўғирлаб кетган икки инглиз, бир америкалик ва яна бир немис сайёҳи яқин орада озод этилади. Жамму ва Кашмир вилоятларидаги мусулмон гуруҳлари вакиллари сепаратчилар билан алоқа боғлаб, журналистларга шуни маълум қилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Америкалик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Гарри У 19 июнь куни Қозоғистондан Хитойга ўтишга ҳаракат қилаётган бир пайтда Хитой ҳукумати томонидан ҳибсга олинган эди. Айни пайтда Хитой ҳукумати уни суд қилиш ниятида. Мабодо АҚШ фуқаросига жосуслик мақсадида Хитойга ўтмоқчи бўлган, деб айб қўйилмоқда, уни умрбод қамоқ жазоси ёки қатл кутиш мумкин, дейилади шу ҳақдаги хабарда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Долзарб мавзу

АКЦИЯЛАШТИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЎТАРИЛИШ НУҚТАСИ

Корхоналарни, ҳаммадан давлат тасарруфидаги корхоналарни акционерлик жамиятига айлантириш анча тезлашди. Сабаби, Президент Фармони бу борада тўсиқларни олиб ташлади. Тўла маънодаги акционерлик жамиятига айланиш суръатларини жадаллаштиришни яхши амалга оширишга имкон берадиган норматив ҳуқуқий база яратилди.

— Уюшмамизда барча корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш учун инвестицион компания тузгандик. Тез орада бу ташкилот юзга яқин таъсисчиларга эга бўлди. Уларда ҳам акцияларимизни сотиш ишлари аввалроқ бошланганди, — дейди «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Абдулфаттоҳ Ҳидоятов. — Тўғри қилинган экан, инвест акцияларимизни уч баравар қимматга сота бошлади. Бугунга келиб шундай ҳам акцияларимизга талаб кундан-кунга кучайиб боряпти. Чунки акцияларимиз кенг даромадли. Муҳими, одамлар бизга ишонишмоқда. Акцияларимиз тўхтовсиз сотиб олинмоқда.

Ҳақиқатан, республикамизда етиштирилаётган сут ва гўшт маҳсулотларининг асосий қисми ушбу уюшманинг жойлардаги корхоналарида қайта ишланмоқда. Дастурхонимизда нондан сўнг гўшт ва сут туришини эътиборга олсак, барибир ҳали бу соҳада янада кўп ишлар қилиш зарур. Шу боисдан халқимизда қадимдан шифобахш саналиб келинган чакки тайёрлаш уюшмада эндиликда 10 баробар оширилди. Уюшма раиси ҳам: — «Чакки кишининг танасини ёшартириш қобилиятига эга. Токи, одамларимиз чакки ёки сузмасиз дастурхонга ўтирмайдиган бўлсинлар», — дейди. Яна у киши муҳим масала — пул айланиши муаммоси ҳақида гапириб: «Бунинг ҳам йўлини топдик», — деди. Бу жараён 1 июлдан бошлаб анча енгиллашди. Ана шу йўлда зарур шароитлар яратиб берилди. Масалан, бизнинг уюшма тасарруфидаги дўконлар сони сўнгги икки ой ичида тўрт бараварга кўпайтирилди. Натижада, пул айланиши тезлашди. Пулнинг тез айланиши, албатта, уларни яна янги ютуқларга етакламоқда. Буни биз соҳа тадбиркорларининг пойтахтимизда Мустақиллик байрами кунига Швейцария ускуна ва технологияси асосида ишга туширишга мўлжалланаётган, сут ва натурал мевалардан қуритиб тайёрланадиган, сўнг маҳсулотни қадоқлаб чиқаришга мўлжалланган корхона қурилишини мисол қилсак бўлади. У кунига 35—40 тонна харидорбоп маҳсулот тайёрлай бошлайди.

Айни кунда ана шунга ўхшаш корхоналардан ўнтачаси ишлаб турибди. Яна ўнтаси ишга туширилиш, ҳадемай маҳсулот бериш арафасида. Масалан, ҳозир ишлаётган Навоий сут акционерлик жамиятида янги маҳсулот, Ғузордаги 4-заводда қуруқ сут уни, Зангиота туманидаги «Барокат» жамоа хўжалигида жунни қайта ишлаш заводлари маҳсулотлар бера бошлаган бўлса, Бухоро ва Жиззахда терини қайта ишлаш заводида янги маҳсулотлар, Тошкентда эса немислар билан ҳамкорликда «Сникерс» ва «Марс» типидаги 15 хил музқаймоқ ва ширинликлар ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Юртбошимизнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мустақил республикамиз учун муҳим бўлган давлат корхоналарини акциялаштириш жараёни бошқа бир қатор жойларда ҳам фаол амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилдики, бу энг аввало, ана шу жойларда янгиликка интилиш ва мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишда бу жараённинг аҳамиятини чуқур тушуниб етганликлари самараси.

Акция сўзининг маъноси ҳам акционер жамият чиқарган (даромад келтирувчи) қоғоз деган маънони билдиради. Маълумки, акция нархи биринчидан акциянинг номинал қийматига, яъни унинг неча пуллик эканлигига, акцияга тегадиган дивидентга, банкнинг фоиз ставкасига боғлиқ. Шуларга қараб акцияга бўлган талаб ўзгариб туради: унинг нархи ошади ёки камаяди. Мана шу, яъни акция нархининг ошиб бориши ёки пасайишига қараб уюшма иқтисодий аҳволига баҳо берилади. Қаердаки, акциялаштиришнинг ташкилий механизмлари пухта ишлаб чиқилган бўлса, бюрократик тўсиқлар олиб ташланган бўлса, боқимандалик кайфияти тўла-тўкис барҳам топган бўлса, ўша ерда бу борадаги ишлар ривож топяпти. Аксинча, қаердаки акционерлик жамияти номигагина тузилса-ю, акция сотилмаса, биров сотиб олмаса, бунда у корхонага ҳам, одамларга ҳам, эгаларига ҳам фойдасиз матоҳга айланади. Яна бир эътиборга молик гап. Президентимизнинг янги фармони билан эндиликда юридик шахсларнинг акциялар муомаласида олинган даромадидан атиги 15 фоиз ставка бўйича солиқ олинадиган бўлди. Бу эса акциялар сотиб олинишини тезлаштиришга катта имконият яратади.

Ўйлаймизки, республикамизда тадбиркорлар чиқарган акцияларга харидорлар сони бундан кейин янада ошиб боради. Бундан фақат манфаат кўрадилар. Демак, иқтисодий тил билан айтганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ҳар бир киши фаол иштирок этишига қулай шарт-шароит яратилди. Қисқаси, қанчалик бу жараёнда омма кенг ва фаол иштирок этса, шунчалик самарали бўлаверади.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 17

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
18.50 "Келармикан". Кичик концерт.
19.05 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Туркистон — умумий уйимиз".
20.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ноширлар мактаби".
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 1-қисм.
23.05 Эълонлар.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Йўлингиз бехатар бўлсин!".
19.40 "Бу бўстон аро...".
20.10 "Спорт-тайм".
20.40—22.50 "Одессанинг жасорати". Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 23.35
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Таушен". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий филм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Индинги кун жадвали". Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 "Истеъдод". Нилуфар Усмонова.
10.15 "Абитуриент-95". Физика.
10.45 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
11.25 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 1-қисм.
12.30 — 14.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
19.00 "Тафаккур" журнали — меҳмонимиз".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Уч юрак зарби". Ака-ука Исломовлар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Абитуриент-95". Бевосита мулоқот.
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Табиат дунёси".
19.00 "Мультфейерверк".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 00.35
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Янги иқтисод".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқиб".
20.25 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.35 "Жаҳон ва биз".
22.15 "Соккер-клуб".
23.00—23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Шкид республикаси". Бадиий фильм.
9.35 Алифбо сабоқлари.
10.05 Янги китоблар.
10.35 "Абитуриент-95". Математика.
11.05 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки...".
11.45 "Буни ҳамма билиши керак".
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.55 "Саломат бўлинг!".
13.15 — 14.20 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фазилат".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 "Ислоҳот ва масъулият".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Олтин мерос". Собир Абдулла.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Шаҳар бедарвоза эмас".
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 3-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ёдингдами, дўстим?".
18.45 "Театр байрами".
19.15 "Регистон оҳанглари". Телефильм.
19.45 "Тошкент оқшомида".
20.45 — 22.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 00.50
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Мюзик-холл" (такрор.).
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Оқ бино оқшомлари". Қисқа метражли бадиий фильм.
8.50 Лирик концерт.
9.15 Инглиз тили.
9.45 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
10.15 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.45 "Ишбилармон".
11.15 "Ёшлар билан юзма-юз".
11.55 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 3-қисм.
13.00 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
13.30 — 14.20 "Талабалар саҳнасида".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Ижод саҳифалари". Ҳусниддин Шарипов.
19.00 "Кеча ва бугун".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Абитуриент-95". Тест варақалари қандай тўлдирилади?
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 4-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Янгиликлар.
19.15 Видео янгиликлари.
19.35 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 00.35
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Дўстлар сайёраси" (такрор.).
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Биздан озод ва обод Ватан қолсин".
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.30 "Маданиятимиз дурдоналари".
22.10 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.40 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЖУМА, 21

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Эрта тонг". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
10.35 "Унутилмас сатрлар". К. Камий.
11.15 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
11.55 Т. Пўлат. "Ичкуёв". Видеофильм. 4-қисм.
13.00 "Турон чечаклари" дастасининг концерти.
13.30 — 15.20 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Болалар меҳмонхонаси".
18.40 "Ҳаракатда — баракат".
18.55 "Мен ва дунё".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.05 "Табаррук қадамжолар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.
22.15 "Олтин мерос". Халқ артисти Шукур Бурхонов.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
19.25 "Экология ва ҳаёт".
19.55 "Тошкентнома".
20.55 — 23.55 "Прерия", "Онтарио соҳилидаги бўлган воқеа". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 00.45
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультькарусель".
19.00 "Қалбим қўри". Опера қўшиқчиси Теркулова куйлайди.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Автоклуб".
21.25 "Ҳамма табассум учун".
21.55 "Америка юлдузлари".
22.25 Эълонлар.
22.30 "Даракчи".
22.40 Эълонлар.
22.45—00.25 Видео —"О".

ШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Қиз Жибек". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
10.20 Болалар учун. "Садоқат".
11.20 "Жаҳон жанговор санъатлари".
11.50 "Ёшлик" студияси. "Умид".
12.50 "Оналар мактаби".
13.20 "Хотира". Ғафур Азимов.
14.00 "Ҳовлимиздаги стадион".
14.20 — 14.50 "Оламни асранг!".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Буюк фиръавнлар юрти".
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 "Ёшлик оқшоми".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 Эълонлар.
22.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Табиат дунёси".
9.50 "Мультфейерверк".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
13.10 "Кинонигоҳ".
14.50 — 18.30 "спорт қитъаси".

***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Дарсга қўнғироқ".
19.55 "Кинотриада".
20.55 "Фантазия, ритм, балет" (Фарғона шаҳри).
21.25 "Пульс". Хабарлар.
21.40 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III
17.25 — 20.40
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.40 — 23.25
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Ширу-шакар" (тожик тилида).
10.40 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
11.10—12.20 Болалар учун фильм. "Кичик Мукнинг саргузаштлари".

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультькарусель".
18.55 "Жонли сайёра" (такрор.).
19.15 "Лаваш". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Фармон ва ижро".
20.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.45 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
21.20 "Монитор—Азия". Тележурнал.
21.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 "Эллада".
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10—23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шоҳрух" клуби.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Кувноқ стартлар".
11.30 "Қўшиқларим сизга армуғон". Хонанда Ҳожиакбар Раҳматов.
12.00 Абдулла Қодирий. Ҳажвий новеллалар.
12.50 "Цирк! Цирк! Цирк!"
13.35 — 14.25 "Халқ ижодиёти". Умир бахши Сафар ўғли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино усталари". Сулола.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Якшанба оқшомида".
22.25 "Имконият". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.25 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими".
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Янгиликлар.
10.45 Видео янгиликлари.
11.05 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 — 14.20 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Табассум учун".
22.10 "Америка юлдузлари".
22.40 Эълонлар.
22.45 "Даракчи".
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — "О".

ЎзТВ III
17.20 — 21.50
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

21.50 — 00.55
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
9.55 "Жонли сайёра".
10.25 "Менинг кучам".
10.40 "Эсдалик учун дастхат".
11.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.35—12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 Мусиқий саёҳат.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.45 "Дунё эшиги".
21.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 "Бу ажиб дунё".
22.50—23.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ 1995-96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент шаҳар ҳамда республика вилоятларининг даволаш муассасаларида ишлаш учун «Ҳамширалик иши» бўйича тиббиёт ҳамшираларини тайёрлайди.

Билим юртига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг туманларида яшовчи, умумий ўрта маълумот ва тўлиқсиз ўрта маълумоти бор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эллик фуқаролар ётоқхона билан таъминланмаслик шарти билан қабул қилинадилар. Чет давлатларнинг фуқаролари тегишли давлатлараро шартнома ва битимларда белгиланган тартиб асосида қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 11-синфни тугатган ўқувчилар учун 1995 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой. 11-синфни битирганлар учун Давлат тест маркази томонидан 10 августда тест синовлари ўтказилади.

9-синф тўлиқсиз ўрта маълумоти бор ўқувчилар 2 та фандан имтиҳон топширадилар.

1. Биология (ботаника, зоология, одам анатомияси) — оғзаки.
2. Она тили — диктант

Ҳужжатлар 1 июндан 1 августгача қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 йилу 10 ой. Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти раҳбари номига ариза, ўрта ва тўлиқсиз маълумоти тўғрисида ҳужжат, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун), 3х4 ҳажмдаги сурат, паспорт ва ҳарбий хизматга лаёқатлилиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларини хоҳишларига қараб Давлат тили ва рус тилида топширишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 1-мавзе, Чилонзор кўчаси, 9-уй.

Автобуслар — 2, 34, 77, 94, 80, 153.
Троллейбуслар — 6, 7, 11, 16.
Трамвайлар — 4, 9.
«Чилонзор» автобекати, метронинг Ҳамза бекати.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

DAEWOO
LABO

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Янгийўл технология коллежи
1995—1996 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янгийўл технология коллежи икки поғонада мутахассислар тайёрлайди:

1-поғонада ўқийдиган техникум дастури асосида ўқиб «техник-технолог» мутахассислигини эгаллайдилар. Ўқиш муддати 1-поғонада 9 йиллик маълумот билан 3 йилу 6 ой, 11 йиллик маълумот билан 2 йилу 6 ой.

II-поғонада ўқийдиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу поғонани битирувчилар «кичик муҳандис» мутахассислигини эгаллаб, муҳандислик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўқув кенгашининг қарорига биноан II-поғонани битирувчилар ўз мутахассислиги бўйича олий ўқув юртининг кундузги бўлимида — 3 курсдан, сиртқи бўлимида — 4 курсдан ўқишни давом эттирадилар.

Янгийўл технологик коллежи қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Кундузги бўлимга

1. «Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси». (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
2. «Вино технологияси» (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
3. «Нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
4. «Озиқ-овқат тайёрлаш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
5. «Консервалаш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
6. «Биохимия маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш рус тилида.
7. «Сут технологияси» (10 йиллик маълумот билан) ўқиш рус тилида.
8. «Ҳуқуқшунослик» (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.
9. «Бухгалтерлик ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

Сиртқи бўлимга
(11 синф маълумоти билан)

1. «Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси».
2. «Озиқ-овқат тайёрлаш технологияси».
3. «Вино технологияси».
4. « Консервалаш технологияси»
5. «Нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси».

Кириш тўғрисидаги ариза коллеж директори номига танлаган мутахассислиги кўрсатган ҳолда ёзилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

1. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).
2. 086-У шаклидаги соғлиги ҳақида маълумотнома.
3. 6 дона фотосурат (3х4 см.) ҳажмда бош кийимсиз.
4. Кирувчи коллежга келганда туғилгани ҳақида гувоҳнома, паспорти, ҳарбий билет ёки ҳисобга туриш гувоҳномасини шахсан кўрсатиши керак.
5. Сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма топширишлари шарт. Коллежга кирувчилардан қуйидаги муддатларда аризалар қабул қилинади:

Кундузги бўлимга

— 9 синф маълумоти билан 20 июндан 31 июлгача.
— 11 синф маълумоти билан 25 июндан 20 июлгача.

Сиртқи бўлимга

— 25 июндан 20 июлгача.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

Кундузги бўлим 9 синф маълумоти билан:

1. Математика (оғзаки).
2. Ўзбек (рус) тилидан диктант.

Имтиҳонлар 1 августдан 20 августгача.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш — 25 августгача.

11 синф маълумоти билан кундузги бўлимга ва сиртқи бўлимга ҳужжат топширганлар тест синовидан ўтадилар.

Тест синови 1995 йил 10 август куни бўлади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 403 уй.

Телефонлар: 7-4750, 7-3498, 7-3324.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!

Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли моллари ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси,
Толариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-10 — қабулхона зали,
98-47-92 — савдо зали,
98-47-95 — кўргазма зали.

KNOCK DOWN SYSTEM

АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гиламлари, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 86-мактабни 1994 йилда тугатган Кузьменко Константин Анатольевич номига берилган А № 431161-сонли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎзР Фанлар академияси Тарих институти жамоаси тарих фанлари доктори, профессор И. А. Алимовга волидаи муҳтарамаси **Атирхон АЛИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва концерн овқатланиш ва савдо комбинати жамоаси овқатланиш комбинати директори Ш. Ш. Шомаҳмудовга отаси **Шомуҳаммад ШОМАҲМУД** ўғлининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дил изҳори

ШЕЪРИЯТГА БАХШИДА ҲАЁТ

Бугунги ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан бири Ҳусниддин Шарипов номи ҳар сафар тилга олинганда беихтиёр шоиримиз Эркин Воҳидовнинг:

Шоирларга ҳайрон бўлманг,
Шоир халқи турфароқ.
Гоҳи мағрур, гоҳи дилтанг,
Гоҳи ҳазин, гоҳ тумтароқ

сатрлари хаёлимга келаверади. Ҳақиқатан Ҳусниддин Шарипов ҳам шахс, ҳам шоир сифатида ўзига хос овоз ва созга, ўзига хос турфа фазилату истеъдодга эга бўлган сўз санъаткоридир.

Шеъриятга 50-йилларнинг бошларида кириб келган шоир ва драматург Ҳусниддин Шарипов мана қирқ беш йилга яқин вақтдирки, ўзбек адабиётининг равнақи йўлида самарали ижод қилиб келмоқда. У ўлкамизнинг гўзал гўшаларидан бири Поп шаҳрида туғилди, вилоят маркази Наманганда ўсиб, улғайди. «Навоий» деган дастлабки шеъри — 1948 йил — қишлоқ хўжалик техникумида ўқиб юрган ўспиринлик даврида босилган бўлса, «Ниҳол» номли биринчи шеърлар китоби 1956 йил — у Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб, Наманган ўрмон хўжалиги идорасининг инженери бўлиб ишлаётганида нашр этилди. Ўша йилдан вилоят «Наманган ҳақиқати» газетасида адабий ходим, сўнг масъул котиб бўлиб ишлади.

Шеъриятга янги оҳанг, руҳ олиб киришга интилаётган шоирнинг дастлабки асарлариёқ адабий жамоатчилик, кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. Натижада у олтмишинчи йили юртимизнинг адабий-маданий маркази азим Тошкентга таклиф этилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Ўзбекистон маданияти» газетасида адабий котиблик вазифасида ишлай бошлади. Кейин у узоқ муддат «Шарқ юлдузи» журнали шеърият бўлимига мудирлик қилди, 1985 йилдан эса адабий маслаҳатчи сифатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг таржима ва драматургия бўйича ишларини юргизиб турди.

Ҳусниддин Шарипов адабиётга деҳқон шоири, қишлоқ аҳлининг куйчиси сифатида кириб келди. Дастлабки шеърлариданоқ у меҳнат аҳли — деҳқонлар, боғбонлар, ўрмончилар меҳнатининг гўзаллигини, уларнинг орзу-ўйларини тараннум этди. 60-йилларда чиққан китобларини соддагина «Кўнгил буюргани» (1961), «Қуёшга ошиқман» (1963), «Тупроққа қасида», «Ернинг қалби» (1965), «Мен сизга айтсам» (1968) каби номлар билан атагани бежиз эмас, албатта. У ҳатто замонавий илм-фан ва саноат тараққиёти чўққисида туғилган космонавтика ютуқлари, фазокор парвозини ҳам заҳматкаш ёрдўстларимиз меҳнатининг давоми деб билди, қатор шеър ва достонларида буни ҳаяжон билан куйлади.

Шоир ўзбек замонавий достончилик ривожига жиддий ҳисса қўшди. У яратган йигирмага яқин достоннинг деярли ҳар бири адабиётимизда ижобий ҳодиса, достончилигимиз қўлга киритган ютуқ сифатида баҳоланди. Уларда халқимиз ҳаётининг турли босқичлари, турфа хил фазилату хислатларга эга бўлган кишилар, уларнинг кураши, меҳнати, қувонч ва изтироблари тасвирланади. «Бир савол» (1972) номли шеърий роман қаҳрамони Аброрнинг қисмати мамлакат тақдири билан оҳангдош вазмин қўшиққа ўхшайди: у 20-йилларда баъзи ғирром ҳамқишлоқлари қутқусига учраб Сибирга бадарға бўлган эса-да, кўнглига зарра гина-кудурат тугмай, Ватанни хатар қучганда унинг ҳимоясига барча тўсиқлардан ошиб, учиб борган инсондир. Жанг майдонларидан қайтгач, у ягона ўғлини излаб, чўл қувишга чиққан деҳқонлар сафига киради, афсус, ёши бир ерга борганда, фарзандининг устихонини топади, холос. Аброр етмаган кунларга етиб, меҳнатда бахт топган бригадир Сотволди эса («Сотволдидан салом» 1968) ўз ҳалоллиги билан, ўз покиза номини асраб-авайлаши, бу йўлдаги чапдаст ва қувлиги билан, ўткир тили ва ақли билан китобхон меҳрини қозонди. Мазкур достон Ҳ. Шарипов чинакам халқона асарлар, ўзига хос табиатли инсон характерларини кашф эта олувчи достоннавис бўлиб етишганидан далолат берди. Ҳатто бу асар ўз руҳи, унинг бош қаҳрамони маълум гуруҳ кишиларининг тимсолига айланиб кетганлиги жиҳатидан машҳур рус шоири А. Твардовскийнинг «Василий Тёркин» асарига яқин туради, деган юксак баҳолар берилди.

Ҳусниддин Шарипов ижодкорлик маҳоратини ҳам. Ҳусниддин Шарипов яратувчилик мавзуини «Боғ кўча болалари» (1963), «Тановар» (1965), «Шоир ҳақида» (1967), «Яшамоқ керак» (1968), «Инсоф диёри» (1979), «Соҳиллар» (1986) каби достонларида изчиллик билан таҳлил этади. «Қилмиш-қидирмиш» (1976), «Минг иккинчи кеча» (1992) сингари тинчлик, дўстлик ва одамгарчиликни тараннум этувчи, катталарга ҳам, кичикларга ҳам тенг татийдиган, афсонавий руҳдаги достонлар яратади. Дарвоқе, шоирнинг «Укажонларимга» (1963), «Бу ёғи нима бўлади» (1973), «Чавандоз» (1974) каби болаларбоп китоблари кичкинтойларга яхши совға бўлди.

Фаол ижодкорнинг давр руҳи билан суғорилган «Лирика» (1970), «Достонлар» сингари шеърий тўпламлари қаторига 80-йилларда «Ҳаяжонли дақиқалар» (1980), «Оҳ, гўзал» (1981), «Хирмон» (1985), «Яна висол» (1987), кейинроқ эса «Ёр истаб» (1992) каби ўзига хос китоблар қўшилди. Шоир эллик ёшини икки жилдли «сайланма» билан кутиб олди. Унинг «Сени севаман» (1958), «Ота ўғли» (1964), «Афсона» (1975), «Чоллар ва кампирлар» (1979), «Ёр истаб» (1993) пьесалари марказий ва вилоят театрларида саҳналаштирилди.

Шоир И. Тургенев, У. Уитмен, В. Маяковский, Р. Ҳамзатов асарларини ўзбекчага севиб ўгирган бўлса, ўзининг «Всё тот-же я» («Ўша-ўша» 1970), «Привет от Сатвалди», («Сотволдидан салом», «1977) «Самое дорогое» («Энг азиз» 1980) каби китоблари рус тилида босилди. Шеърлари поляк, урду, турк, қолаверса барча қўшни қардошларимиз тилларига таржима қилинди. Адабиётдаги меҳнатлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ва республика Ёшлар Иттифоқи мукофоти билан тақдирланди.

Ҳ. Шарипов ижоди ҳақида сўз борганда шоир шеъриятининг етакчи томонлари, ўзига хослигини белгиловчи қатор хусусиятларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўзига хослик аввало шоир шеърларининг ғоят халқоналиги, содда ва самимийлигида. Шоир бир қарашда шеърга тушмайдиган, шеърий асос йўқдай туюладиган ҳодиса ва деталларни ҳам ҳеч иккиланмай шеърга солади. Усталик билан ўрнида ишлатилган деталь шоир шеърларига ҳаётийлик, гўзал соддалик бағишлайди. Натижада, ижодкорнинг кўпгина шеърлари бамисоли халқ эртакларидек равон ва осон ўқилади:

Севиб тўймас дилим билан,
Чигит эккан қўлим билан,
Аччиқ жангда қоним шимиб,
Алвон бўлган йўлим билан
Ишқимни айтаман!

Ҳусниддин Шарипов асарларининг етакчи хусусиятларидан яна бири уларнинг юморга, ҳазил-мутойибага бойлигидир. Бу ҳол уларнинг ҳаётийлиги ва халқчиллигини янада оширади. Шунингдек, шоир шеърларида эпик тасвир билан лиризм ажойиб тарзда уйғунлашиб кетади.

Шоир шеърлари, достонлари, бутун ижодини бирлаштириб турувчи марказий мавзу нимадан иборат деган савол хаёлимдан ўтди-ю, ҳаётга, она юрт, инсонга муҳаббат деган фикр дарҳол кўнглимга келди. Ҳақиқатан ҳам, Ҳ. Шариповнинг деярли барча асарлари

шу фикрнинг жонли далили бўла олади:

Ҳаётга муҳаббат!
Шу олий ҳисни
Туюб турмаганда тирик жон ҳар дам,
Умидсизлик енгиб ирадамизни,
Йўқ бўлиб кетарди, қўшиқ ҳам, халқ ҳам.

Шоир ижодида серқуёш юрт фарзанди эканлигидан, меҳнаткаш, кўнгли пахтасидай оқ халққа мансублигидан чексиз ифтихор туйғуси билан суғорилган талай асарлар бор. Ҳусниддин Шарипов бутун вужудидан шеър ёғилиб турадиган туғма шоир. У бир шеърида:

Улуғ юртим, безовта асрим
Ва халқимни куйлаб топдим бахт

деганидай юрти, халқи, ўз асрини куйлаб бахт топаётган, эъзозланаётган, китобхонлар муҳаббатини қозонаётган ижодкор.

Ҳусниддин Шарипов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан шоир юртидаги учрашувлар бу фикрнинг намойиши бўлди. Шоир ўқиган Наманганддаги қишлоқ хўжалиги коллежи, туғилиб ўсган, болалиги ўтган Поп шаҳридаги учрашувлар, ниҳоят Алишер Навоий номли вилоят мусиқали театрида бўлиб ўтган юбилей кечаси Ҳ. Шарипов юртдошларининг севимли шоирига айланганини кўрсатди. Бу тантаналарда шоир юбилейини ўтказиш республика комиссиясининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев, шоир ва драматурглардан Жуманиёз Жабборов, Ҳабиб Саъдулла, Абдулла Жалил, Наманган шаҳар ҳокими Муҳаммаджон Каримов, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори Ҳамидхон Набиев, қишлоқ хўжалик коллежининг директори Олимжон Бадриддинов, Беруний номли жамоа хўжалиги раиси Зиёвуддин Мансуров, вилоят ўрмон хўжалиги бошлиғи А. Расулев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилшода Дадажонова, НамДУ профессори Одилжон Носиров ва бошқалар Ҳусниддин Шариповга халқнинг эҳтиромини изҳор этдилар. Унинг адабиётимиз равнақи йўлидаги ўрни ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Уч кун давом этган учрашувлар шеърият, адабиёт байрамига айланиб кетди.

Раҳматилла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари номзоди.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ЗИКРИ АҲКОМИ АЙЁМИ ҲАФТА

(ҲАФТА КУНЛАРИНИНГ ҲУКМЛАРИ ҲАҚИДА)

Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламдин шанба кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Ул Ҳазрат меҳрибон бўлмишларким: «Шанба куни макруҳ ва фириб кунидир». Нечунким ҳамул кун Макка мушриклари Расул алайҳиссаломни Маккадин ихрож қилмоқ (чиқармоқ) маслаҳати учун жамият қилдилар.

Ва яна якшанба кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Бас, ул Ҳазрат жавоб бермишларким: «Якшанба куни ниҳол ўтказмоқ ва иморат ибтидо қилмоқ учун яхшидур, нечунким Худойи таъоло дунё халқин ва иморатларин ул кунда ибтидо қилди».

Ва яна душанба кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Бас, ул Ҳазрат буюрмишларким: «Душанба куни сафар ва тижорат учун яхшидур, нечунким ҳам-ул кун Шуъайб алайҳиссалом тижорат учун сафар қилиб, ул тижоратдин кўб манфаатдор ҳосил қилди».

Ва яна сешанба кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Бас, ул Ҳазрат демишларким: «Сешанба куни қон кунидур, нечунким Ҳазрати Ҳавво ано разияллоҳу анҳо ул кун ҳойиз (ҳайзли) бўлдилар ва Қобил Ҳобилни ул кунда ўлтурди. Ва ҳамул кун Ҳазрат Жиржис ва Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар мақтул (қатл) бўлдилар. Ва Фиръавн соҳирларики, мўъмин бўлиб эрдилар. Ва Осиё бинти Мароҳимкин мўъмина ва Фиръавннинг хотунидир, разияллоҳу анҳо ва бақарайи бани Исроил ҳам ул кунда мақбул бўлдилар. Аниг учун Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам сешанба куни қон олдурмоқдин бағоят қаттиғ наҳий (манъ) қилмишлар ва демишларким, сешанба кунининг ичида бир номаълум соат бордурким, агар қон олдурғон вақтда ул соат иттифоқ тушса кўб воқеа бўлуркми, то ўлгунча қони тинмас. Ва сешанба кунида Иблис алайҳи-л-лаъна ерга нузул қилди (тушди) ва ҳамул куни жаҳаннам халқ бўлди ва ҳамул кун Худойи таъоло Малаку-л-мавт (Азроил)ни одам авлоди арвоҳи қабзи (жонини олиш)га мусаллат (ҳоким) қилди. Ва баъзи ривоятда Ҳазрати Айюб алайҳиссалом ҳам сешанба куни қурт балосига мубтало бўлди.

Ва яна Расул алайҳиссаломдин чаҳоршанба кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Ул Ҳазрат жавоб бермишларким: «Чаҳоршанба куни яхшидур, қамул кун Фиръавн қавми бирла ғарқ бўлдилар. Ва Од ва Самуд ва қавми Солиҳким сафар ойининг охирги чаҳоршанба куни эрди, ҳалок бўлдилар. Ва чаҳоршанба куни олғу ва берғу (олди-берди) қилишмасин.

Ва яна Расул алайҳиссалом чаҳоршанба куни тирноқ олмоқдин наҳий (манъ) қилдилар ва демишларким: «Чаҳоршанба куни тирноқ олмоқ барас (пес) иллатин пайдо қилур». Ва баъзи уламо бу ҳадис сидқи (ростлиги)да иштибоҳ (шубҳа) пайдо қилиб, ҳамул кун тирноқ олиб балоға мубтало бўлмишлар, наъузу биллоҳ (Аллоҳдин паноҳ тилаймиз). Ва яна ҳадисда келибдурким, барас ва моховхар вақт пайдо бўлса, чаҳоршанба пайдо бўлур.

Ва баъзилар ҳамул куни мариз (касал) иёдатин (ҳол сўрашни) макруҳ тутмишлар.

Ва чаҳоршанба куни ҳаммомга бормоқ яхшидур ва ҳамул кун қиёмидин сўнг ва асирдин аввал дуо қилса мустажоб (қабул) бўлур, нечунким Расул алайҳиссаломнинг дуолари аҳзоб ҳақида ҳамул вақт мустажоб бўлди ва ул дуо қилғон мавзеъларида Мадинайи Мунаввара да бир масжид бино қилдилар. Ул масжидга Масжиду-л-ижобат дерларким, алъон зиёратгоҳдир.

Ва ҳадисда келибдурким, ҳар нимарсани чаҳоршанба куни ибтидо қилинса тамом бўлмай қолмас, унинг учун ҳамул кун илм ибтидо қилмоқ муносиброқдир. Масалан, дарс ибтидо қилмоқ ва тифл (бола)ни мактабга бермоқ.

Ва яна Расулиллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдин панжшанба хосиятидан савол қилмишлар. Бас ул Ҳазрат жавоб бермишларким: «Панжшанба куни ҳожат тиламоқ кунидур, нечунким ҳамул кун Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом Миср подшоҳининг хизматиға бориб, кўб икром топиб, ҳожатлари раво бўлди ва Миср подшоси Ҳожар разияллоҳу анҳони Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга ато қилди. Ва ҳамул кун подшоҳлар хизматига бормоқ кунидир. Ва ҳадисда келибдурким, ҳар ким қон олдурса иситма касалига гирифтор бўлиб, ҳамул мараз бирла охир дунёдин борур.

Ва яна Расул алайҳиссаломдин жума кунининг хосиятидин савол қилмишлар. Бас, ул Ҳазрат жавоб бермишларким: «Жума куни никоҳ ва хутба кунидур ва Ҳазрати Одам саловатуллоҳи ва саломуҳу алайҳи Ҳазрати Ҳаво разияллоҳу анҳони ҳамул кун никоҳ қилдилар. Ва Юсуф алайҳиссалом Зулайҳони ва Мусо алайҳиссалом Шуъайб алайҳиссаломнинг қизини, Сулаймон алайҳиссалом Билқисни жума куни никоҳ қилдилар.

Ривояти саҳих бирла келибдурким, Ҳазрат Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича ва Оиша разияллоҳу анҳумонинг никоҳларин жума куни қилдилар.

Ва Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудин нақлдурким, жума куни тирноқ олса ул одамни Худойи таъоло барча иллатдин халос қилиб, шифо каромат қилиб, фақирлик меҳнатидин сақлар.

Ва ҳадисда келибдурким, ул Ҳазрат демишларким, ҳар ким жума куни ва жума оқшоми манга юз маротаба салоҳат юборса ул одамни Худойи таъоло юз ҳожатини раво қилур, етмиштаси дунё ҳожатларидин ва ўттизи охират ҳожатидин бўлғай.

Асмаъийдин ривоятдурким: «Бир жума куни Ҳорун ар-Рашиднинг хизматиға бордим, кўрдумким, тирноғин олмоқ бирла машғулдур, мани кўруб дедиларким: «Е Асмаъий, жума куни тирноқ олмоқ суннатдур, лойиқ ва муносиброқ улдурким, одамни фақир балосидин омон сақлағай». Бас, мен жавоб бердимким: «Ё амир ал-мўъминин, сиз ҳам фақирликдин қўрқормусиз?». Ҳорун жавоб бердиким: «Оё, ҳеч одам бормукин фақир меҳнатидин қўрқмағай!». Ва жума кунига «явмул-л-аъизз» ва кечасига «лайлату-з-Заҳро» ҳам дерлар.

Байт:

Ба рўзи жумъа дуруди Муҳаммади Арабий,
Зи рўйи қадр зи айёми дигар афзун аст.
Зи ихтисос, ки ўро ба Ҳазрати Набавист,
Дар ў савоби дуруд аз қиёс берун аст.

Мазмуни:

Жума куни Муҳаммад алайҳиссаломга дуруд юбориш,
Қадру қимматда бошқа кунлардин яхшироқдир.
Бу кун Ҳазрати Набийга махсус кун бўлиб,
Унда айтилган дуруднинг савоби беқиёсдир.

Малик (подшоҳ) ва Ваҳҳоб (ҳадялар берувчи) исмли Аллоҳнинг кўмаги билан тугади.

Ас-Саъиду-с-САМАРҚАНДИЙ.

● Сўраган эдингиз

ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШ ПУЛЛИМИ?

Газетхонларни қизиқтирган ана шу савол билан республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси Шукур Жонбоевга мурожаат қилдик. «Вазирлигимизга қарашли олий ўқув юртларига ҳужжат топширганлиги учун абитуриентлардан ҳақ олинмайди, — деди у. — Эҳтимол, бошқа вазирликка қарашли ўқув юртларида қоғоз, варақа, ручка учун ҳақ олиш жорий этилгандир. У ёғи бизга қоронғу».

ПОЕЗД НЕГА СЕКИН ЮРАДИ?

Метрога тушган йўловчилар эътибор берган бўлсалар «Ҳамид Олимжон» бекатидан жўнаган поездлар «Амир Темур» бекатига жуда секин келаётир. Сабабини билиш мақсадида Тошкент метрополитен бошқармасига қўнғироқ қилдик. Бошқарма вакилининг жавоби шундай бўлди: «Амир Темур» бекати ёнида «Юнусобод» йўналиши бўйича «Лоҳутий» бекати қурилаётир. Худди «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» бекатига ўхшаган. Метронинг «Юнусобод» йўналиши лойиҳа бўйича 1996 йил Мустақиллик кунида ишга туширилиши мўлжалланган.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Яқинда суд орқали турмуш ўртоғим билан ажрашган эдим. Мол-мулким эса унинг уйида қолди. У энди бермаяпти. Суд эса давлат божини тўлайсан, деб аризамни қабул қилмади. Ўзим ногиронман. Аҳволим оғир, шуни ҳисобга олиб давлат божини камайтириш ёки озод қилиш мумкинми?

Умида МИРЗАЕВА,
Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Сиз ногиронлик тўғрисидаги далолатномани туман ижтимоий таъминот бўлимидан олиб, туман халқ судига ёзма равишда оилавий шароитингизни кўрсатинг. Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал кодексининг 95, 96-моддаларига асосланиб сизни суд давлат божидан озод қилиши ёки тўлаш муддатини кечиктириши мумкин.

***

САВОЛ: 6 фарзанднинг онасиман. Нафақага чиқишим мумкинми? Бу қонунда қандай кўрсатилган?

Муаззам ИБРОҲИМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ЖАВОБ: 1994 йил 1 июлдан кучга кирган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга биноан агар сиз 5 ва ундан ортиқ фарзандингизни 8 ёшдан ўтказиб тарбиялаган, 50 ёшга тўлган ва иш стажингиз 15 йилдан кам бўлмаса сизга қарилик пенсияси тайинланади.

***

САВОЛ: Бувамдан қолган уй-ҳовли бор эди. Уни акам нотариал идора орқали ўзининг номига ўтказиб олибди. Мен эса билмай қолдим. Энди нима қилсам экан? Менинг улушим йўқми?

Исмоил ЗОКИРОВ,
Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал кодексининг 294-моддасига ҳамда гражданлик кодексининг 11-моддаларига асосланиб, ўша нотариал идора жойлашган халқ судига шикоят топширинг.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

ТИШИНГИЗ ОҒРИГУДЕК БЎЛСА...



Инсон танасидаги ҳар бир аъзонинг ўз ўрни бор. Кўз билан ёруғ жаҳонни кўриб, оёқ билан шаҳдам одим ташласак, тишнинг ҳам тириклик неъматини тотишимизда аҳамияти беқиёс. «Тиш — бу тегирмон» деганлари нақадар тўғри. Ахир биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат аввало тишнинг «ижозати»ни олади. Ошқозони касалланган беморни даволашни ҳам тишдан бошлашар экан.

Садаф каби тизилиб турган тишлар, ўз вазифаларидан ташқари, инсоннинг кўрки ҳам ҳисобланади. Бу нозик ва айни пайтда пишиқ аъзонинг бошқа органлардан фарқи ҳам ўзгача. Тиш оғриғини фақат унинг эгаси ҳис қилади, бошқа касалликларга ўхшаб кўзга ташланиб турмайди. Яна шуниси борки, тиши оғриган баъзи катта ёшдаги кишилар ҳам шифокор ҳузурига боришга юраклари дов беравермайди. «Тишингизни арралаймиз» дейишса оғриқ тўхтаб қолгандай бўлади...

Лекин тишингизни даволатасизми, янги қуйдирасизми — барча масалалар бўйича Тошкентимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 9-стамотологик шифохонага мурожаат қилсангиз, аввало сизни хушмуомалалик билан қарши олишади. Ушбу жамоа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ бинода ишлаётганига ҳам беш йилдан ошди. Ўтган давр ичида бош шифокор Масловиддин Садритдинов раҳбарлигида поликлиника аҳли меҳнатда катта муваффақиятларга эришди. Бу даргоҳ эшигидан мамнун чиқиб келаётган оқсоқолни (у киши ўзларини Қобил ота деб таништирдилар) суҳбатга тортамиз:

— Умридан барака топишсин ҳаммалари. Бир ойга қолмасдан ёш йигитлардай тишларим бутун бўлиб қолса-я! Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир деганлари тўғри экан. Тишимни билдирмасдан олишди, укол қилиб арралашганди — ҳеч нарса сезмадим. Сираям чўчимаслик керак. Ахир энг сўнгги асбоблар билан ишлашгандан кейин шундай бўлиши табиий-да! Ҳа, яна бир гап: бу ерда умуман навбатда туриш йўқ, келасиз, кўришади, кетаверасиз. Вақтнинг тежалганини айтмайсизми?!

Қобил ота ҳақ гапни айтдилар. Ортиқча қоғозбозлик, расмиятчилик бу ерда йўқ. Мижозлар қайси тумандан бўлишса хизмат кўрсатилаверади. Гап орасида «Ҳатто Самарқанддан Насиба Абдуллаева ҳам бизда тишини даволатган» деган сўзни фахр билан айтишди. Бу ерда малакали хизмати билан эл-юртга танилаётган шифокорлар жуда кўп.

Адиба ҒОЙИПОВА.

СУРАТДА: ортопедия бўлими ходими Виталий Ишинбаев (чапдан), тиш техниги Александр Петросов, бош шифокор Масловиддин Садритдинов, бўлим мудири Воҳид Ўринбоев, ортопед врач Наримон Садритдинов ўзаро маслаҳатлашишмоқда.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Спорт

Кичик олимпиада

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

ТОШКЕНТДА биринчи марта ташкил этилаётган Марказий Осиё ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Маълумки, спортнинг 12 тури бўйича ўтазиладиган бу мусобақага дунёнинг турли ерларида катта қизиқиш билан қаралмоқда. Туронзамин халқлари ўртасида ўтказилажак бу спорт анжуманини ўзига хос байрамга айланиши кутилмоқда. Мусобақа эса 2—8 сентябрь кунлари ўтказилади. Шу кунларда мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари фаол ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, мингдан зиёд спортчиларни қабул қилиш, жойлаштириш, мусобақалар ўтказиладиган масканларни ҳозирлаш, транспорт ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш каби юмушлар бажарилмоқда. Кичик олимпиаданинг ҳомийлари ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, Хитой ва Кореядан спорт кийим-кечаклари, турли нишонлар, волейбол, баскетбол ва футбол тўплари, боксчилар учун чарм қўлқоп кабилар етказиб берилди. Куни кеча республика спорт қўмитасида ўтказилган йиғилишда эса спорт журналистларини рўйхатга олиш ва уларни рағбатлантириш ҳамда Марказий Осиё ўйинларини муваффақиятли ёритиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ Ҳ. ҒОФУРОВ НОМЛИ ҲИСОБ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ, УНИНГ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ

1995-96 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум «Банк иши» мутахассислиги бўйича Марказий, Тижорат, Пайчилик ва Жамғарма банкларида ишлаш учун ўрта махсус маълумотли (11 синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинадилар) банк ходимлари тайёрлайди.

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

ЎҚИШ МУДДАТИ:

Кундузги бўлимга 1—босқич «Кичик банк ходими» ихтисоси бўйича I йил.

II — босқич «Банк ходими» ихтисоси бўйича 2 йил.

III — босқич «Банк иши мутахассиси» ихтисоси бўйича 2 йилу 6 ой.

Сиртқи бўлимга банк соҳасида бир йил ва ундан ортиқ меҳнат стажига, ўрта мактаб ҳажми маълумотига эга бўлганлар қабул қилинадилар. Иккинчи босқич «Банк ходими» ўқиш муддати - 2 йил. Учинчи босқич «Банк иши мутахассиси» ўқиш муддати -3 йил. Олий маълумотли банк маълумоти бўлмаган банк соҳасида ишлаётганлар учун 1 йилу 2 ой.

Ўқишга кирувчилар она тили ва адабиёти, математика фанларидан ўрта мактаб ҳажмида тест синовларидан ўтадилар.

Ўқишга кирувчилар илмгоҳ раҳбари номига мутахассисликни кўрсатган ариза ва қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли.
2. 086-У шаклида тиббиёт маълумотномаси.
3. 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
5. Банк муассасасидан йўлланма.

Қуйидаги ҳужжатлар кўрсатилади: паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан абитуриент томонидан кўрсатилади.

Аризалар: 20 июлгача қабул қилинади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ: 10 август куни эрталаб соат 8.00 да илмгоҳ ва унинг Термиз филиали биносида ўтказилади.

Бинога киритиш эрталаб соат 7.30 да бошланади ва 30 дақиқа давом этади, кечикиб келганлар тест синови ўтаётган хонага қўйилмайди.

Абитуриент хонага киришда паспорт ва рухсатнома кўрсатиши шарт.

ИЛМГОҲ ЎҚУВЧИЛАРИ УМУМИЙ ҚОИДАГА АСОСАН СТИПЕНДИЯ ВА ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Илмгоҳ манзили: ***713704, Марғилон шаҳар, Марғилон ҳисоб-кредит техникуми, Эшонгузар кўчаси 123-А***

Автобуслар: ***Марғилон — Эшонгузар ҳисоб-кредит илмгоҳи бекати.***

Илмгоҳнинг Термиз филиали манзилгоҳи: 700008, Термиз шаҳар, Циолковский кўчаси, 6-уй.

ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда - 5-27-11;
Бухорода - 3-54-87;
Гулистонда - 2-26-22;
Жиззахда - 3-31-86;
Навоийда - 3-75-43;
Наманганда -6-43-43;
Нукусда - 7-58-83;
Самарқандда - 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда - 6-51-35;
Фарғонада - 26-37-16;
Қаршида - 3-25-79;
Қумқўрғонда - 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 00.
1 2 3 4 5 6.